

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

“Банк иши” фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу: “Марказий банкнинг эмиссия касса операцияларини
ташкил этиш ва унинг ҳисоби”**

**Бажарди: КБИ-64 гуруҳ талабаси
Маннапова Н**

Илмий раҳбар: доц.Норқобилов С.

ТОШКЕНТ-2012

Режа:

Кириш.

1. Марказий банк пул муомаласини мувофиқлаштирувчи орган сифатида

2. Марказий банкнинг эмиссия-касса операцияларини ташкил этиш ва унинг ҳисобини олиб бориш тартиби

3. Монетар сиёсатнинг 2011 йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини барқарорлаштириш доимо иқтисодиётни кризис ҳолатидан қутқаришнинг энг долзарб шартларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий кризислар эса турли мамлакатларда ўзининг кулами турлича бўлими билан бирга мамлакатнинг молия, пул кредит тизимига чуқур таъсир кўрсатади. Шундай экан, молия пул-кредит тизими ва сиёсатларининг такомиллашиб бориши мамлакат иқтисодий ҳаётининг муҳим буғини бўлиб қолади. Айниқса иқтисодий глобаллашув, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграллашувининг ўсиб бориши шароитида пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш масаласи эътиборли аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда пул муомаласининг муомалалари иқтисодчи олимлар орасида тез-тез тортишувлар, баҳслашишлар, илмий конференция ва симпозиумлар ўтказиш объекти ҳисобланмоқда. Пул муомаласини барқарорлаштириш иқтисодиётнинг соғломлаштиришнинг асосий олимларидан бири бўлиб қолмоқда. Собиқ маъмурий буйруқбозлик орқали иқтисодиётни бошқариш тизимида пул-кредит сиёсатининг деярли йўқлиги оқибатида пул муомаласининг “арзон пуллар” билан тулдириш натижасида инфляцион жараёнларнинг портлашига олиб келди. Бошқарувнинг иқтисодий методларига ўтиш иқтисодиётнинг бозор моделининг таркиб топишида банк тизимида чуқур ўзгаришлар юзага келишига ва иқтисодиётга пул-кредит орқали таъсир кўрсатишнинг яхлит механизми яралишига сабаб бўлди. Пул-кредит муносабатларини мувофиқлаштириш назарий асослари бўлиб пулнинг миқдорийлик назарияси ва унинг Кейнсчилар ва монетаристларнинг пул назариялари иқтисодиётни пул-кредит сиёсати орқали мувофиқлаштиришнинг назарий асосининг ўзаги ҳозирги замон талқини ҳисобланади. Ҳозирги замон пул-кредит сиёсатининг институтционал асосини бозор механизми ташкил этади. Бозор тизимида кредит ресурслари бозори ва пул бозорининг иқтисодиётни мувофиқлаштиришдаги роли бекиёсдир. Маълумки пул бозорида унга бўлган талаб ва таклиф мужассамланади ва унинг замирида баҳо яъни ссуда фоизи аниқланади. Бозор иқтисодиёти шароитида икки поғонали банк тизимининг ташкил этилиши ва қонун асосида Марказий банкка пул муомаласини мувофиқлаштириш вазифасининг юклатилиши Марказий банк томонидан ушбу мақсадга эришиш учун мустақил равишда пул-кредит сиёсатининг юргизишини талаб қилади. Пул-кредит орқали мувофиқлаштиришдан асосий мақсад мамлакат пул бирлиги кадрсизланишини олдини олишдан иборат. Пул бирлиги қадрини таъминлаш эса пул муомаласини тартибга солиш, муомаладаги пул массасини бошқариш билан амалга оширилади. Муомаладаги пул массасини унинг нақд пулга айланиш имкониятларини инобатга олган ҳолда пул агрегатларига ажратиш ва уларни иқтисодиётнинг ҳолатига мос равишда бошқариш талаб этилади. Муомаладаги пул массасини иқтисодиётнинг ўсиш ёки таназзул ҳолатига мувофиқлаштириш эса пул-кредит сиёсатлари инструментларидан фойдаланишни тақозо этади. Пул-

кредит инструментлари орқали пул бозорида пулнинг таклифи, талаби ёки унинг баҳосига таъсир кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда, пул бозорида “арзон” ёки “қиммат” пулларни ташкил этиш орқали муомаладаги пул массаси иқтисодиётнинг ҳолатига мувофиқлаштирилади. Ҳозирги вақтда Марказий банклар пул-кредит сиёсатининг дисконт ёки қайта молиялаштириш, очик бозордаги операциялар, мажбурий резерв нормаси, валюта сиёсати ва бошқа инструментлардан кенг фойдаланилади. Ушбу инструментларнинг бири ёки бир нечтаси танлаб фойдаланиш, уларнинг самарадорлик даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида касса эмиссион ишларни туғри ташкил этиш, нақд пул оборотини доимий равишда прогнозлаштириб бориш ҳам пул муомаласини мувофиқлаштиришнинг муҳим дастакларидан ҳисобланади. Булар орқали нақд пулга бўлган талаб ва унинг ўз вақтида тўлақонли равишда қолдириш массалари ҳал қилинади.

Шундай экан, пул-кредит орқали иқтисодиётни мувофиқлаштириш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади ва у иқтисодиётни бошқаришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

2010 йилда Молия вазирлиги томонидан юридик шахслар учун чиқарилган облигацияларни жойлаштириш бўйича ўтказилган аукцион савдоларида 23,6 млрд. сўмлик облигациялар жойлаштирилди. Бунда, 17,9 млрд. сўмлик облигациялар бирламчи савдоларда, қолган 5,7 млрд. сўмлик облигациялар эса иккиламчи савдоларда қўшимча жойлаштирилди.

2010 йилда кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди. Хусусан, қисқа муддатли (муддати бир йилгача бўлган) кредитлар бўйича фоиз ставкалари йил бошидаги 15,7 фоиздан декабрь ойига келиб 13,8 фоизгача тушди. Узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2010 йилда 13,0 фоизни ташкил этди.

Банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши ва кредитлар кўламининг кенгайиши банклараро пул бозорида ҳам фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди. Хусусан, 2009 йил давомида банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари йиллик ҳисобда 9,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 8,9 фоизга тенг бўлди.¹

¹ 2010 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили

1. Марказий банк-пул муомаласини мувофиқлаштирувчи орган сифатида

Бизга маълумки дастлабки Марказий банклар эрамининг XVII, XVIII асрларида Европанинг ривожланган мамлакатларида ташкил этилди. Марказий банкларни ташкил этишдан асосий мақсад муомалага пул бирликлари чиқарилишини марказлаштириш ва муомаладаги пул ҳажмини тартибга солишдан иборат эди. Марказий банк ташкил этилишига қадар капитализмининг дастлабки даврида мамлакатдаги тижорат банкларининг барчаси муомалага ўз банкноталарини чиқариш ҳуқуқига эга эди. Банкнота-бу ушбу банкнинг ундаги кўрсатилган миқдордаги пулни реал, ҳақиқий пулга хоҳлаган пайтда алмаштириб бериши тўғрисидаги мажбуриятидир. Шундай экан, ҳар бир банк ўзининг захирасидаги мавжуд реал, ҳақиқий (олтин, кумуш) миқдоригача муомалага пул белгилари-банкноталар чиқариши мумкин. Бунда муомалага чиқарилган банкноталар банкларнинг олтин захиралари билан тўлиқ таъминланган бўлиши лозим яъни муомаладаги банкноталар банкларнинг захираларидаги ҳақиқий, реал пулларнинг муомаладаги “ўринбосарлари”, белгилари ҳисобланган.

Лекин XVII ва XVIII асрда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун кўшимча пул маблағлари талаб этилган. Ишлаб чиқариш, муомала жараёнларининг ривожланиши пулга бўлган талабнинг ошишига олиб келган. Ушбу талабни қондириш ва ўзлари оладиган даромадни кўпайтириш мақсадида тижорат банклари муомалага ўзларининг олтин захираларидан бир неча баробар кўп миқдорда банкнота чиқаришган. Натижада муомаладаги банкноталар банкларнинг олтин захиралари билан тўлиқ таъминланмасдан қолган ва банклар ўзларининг мажбуриятларини бажариш имкониятларини йўқотган. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларига бўлган ишончнинг емирилишига олиб келган ва шу билан бирга пул муомаласининг издан чиқишига сабаб бўлган.

Натижада пул муомаласини тартибга солиш, муомаладаги пул массасини мувофиқлаштириш зарурияти вужудга келган. Оқибатда муомалага чиқариладиган пул маблағларини марказлаштириш, пул муомаласини назорат қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш учун махсус давлат органи Марказий банк ташкил этилишига объектив сабаблар вужудга келган. Дастлабки Марказий банк 1656 йил Швецияда, 1694 йил Англияда Англия банки ташкил этилган.

Демак, Марказий банк ҳукумат томонидан пул муомаласини барқарорлаштириш, муомаладаги пул массасини тартибга солиш ва тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган. Ҳар бир мамлакатнинг Марказий банки давлат банки ҳисобланади ва унинг мавқеи, вазифалари ҳаракат доираларини ҳуқуқий асослари ўша мамлакатнинг қонунлари билан белгиланади.

Одатда, Марказий банкнинг ташкил этиш шакллари деганда уларнинг фаолият юритиши учун лозим бўлган устав капиталининг шаклланиш манбалари эътиборга олинади.

Марказий банклар мамлакатда қонунлар асосида давлат томонидан ташкил этилади. Лекин унинг устав капиталининг шаклланиш манбалари турлича бўлиши мумкин.

Баъзи мамлакатларда Марказий банк устав капитали шаклланиши ушбу мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ қуйидагича¹:

1-жадвал

т/р №	Мамлакатлар	Марказий банк устав капитали манбалари
1.	Буюк Британия Дания Голландия Россия Франция Германия	100 фоиз давлат мулки
2.	Швейцария	43 фоиз-хусусий шахслар; 57 фоиз-кантон(маъмурий бўлинмалар) мулки
3	Италия	100 фоиз – банклар ва суғурта компаниялари мулки
4.	АҚШ	100 фоиз-Федерал Резерв тизимига аъзо банклармулки
5.	Япония	55 фоиз-Давлат мулки; 45 фоиз-хусусий шахслар мулки
6.	Австрия	50 фоиз-Федерация мулки 50 фоиз-Юридик ва жисмоний шахслар мулки

1.Манба: Центральный банк в экономической системе государства. Журнал «Банковские услуги» 1999г., №4, стр 10.

Марказий банкнинг Устав капитали тўлиқ давлат маблағлари ҳисобига, бир қисми (одатда 50 фоиздан ортиғи) давлат маблағлари, қолган қисми юридик ва жисмоний шахслар маблағлари эвазига ёки тўлиқ аъзо банклар (Федерал Резерв тизими) маблағлари ва тўлиқ банклар ва суғурта компаниялари маблағлари ҳисобига ташкил этилади. Марказий банк устав капиталини тўлдириш, ошириш ва уларнинг манбалари ҳар бир мамлакатнинг қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топади. Эътироф этилганидек, устав капиталини ташкил этиш шаклларида қатъий назар, Марказий банк давлатнинг пул-кредит соҳасидаги сиёсатларини амалга оширувчи органидир. Ҳар бир мамлакат қонунчилигида албатта Марказий банкнинг ушбу жиҳати алоҳида акс эттирилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг устав капитали миқдори икки миллиард сўмдан иборат. Устав капитали миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ оширилади.

Марказий банкнинг устав капитали бошқа шахсларга берилиши ёки ундан закалад сифатида фойдаланиши мумкин эмас.²

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатнинг мутлоқ мулкидир.³

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг устав капитали тўлиқ давлат маблағлари ҳисобидан ташкил топган.

Марказий банкнинг мақоми, вазифалари, ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти принциплари мамалакатнинг қонунлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳуқуқий мақоми ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонун ва бошқа қонунларда ўз аксини топган. Уларнинг энг диққатга сазовор бўлган асосий жиҳатларини куйидагилар ташкил этади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлоқ мулкидир. Марказий банк ўзининг Низомига, ҳисобрақамига ва мустақил балансига эгадир. Унинг фаолияти ҳаракатдаги қонунлар мажмуасидоирасида ташкил этилади ва мустақил бошқарув тизимига эга. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўрисидаги қонун билан унинг мақсад ва вазифалари, таъқиқланган фаолият турлари, ҳисобдорлиги, мустақиллиги, ташкилий тўзилиши ва ташқи иқтисодий фаолияти белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 100 фоиз давлат маблағи ҳисобига ташкил этилган бўлиб, у давлатнинг пул-кредит соҳасини мувофиқлаштирувчи мустақил органи ҳисобланади.

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз сарф-ҳаражатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир. Марказий банк юридик шахс сифатида ўз фаолиятидан даромад олади ва ушбу маблағлар билан ўз ҳаражатларини қоплайди. Даромадларнинг ҳаражатлардан ошган қисми яъни Марказий банкнинг фойдаси бошқарув белгилаган тартибда тақсимланади.

Фойдани тақсимлашда ишончсиз, шубҳали қарзлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш резервлари ва турли ижтимоий ва иқтисодий фондлар шакллантирилади ва унинг қолган қисми Республика бюджети даромадига йўналтирилади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг муассасалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрига эга⁴.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг барча муассасалари муҳри ва иш қоғозларида Давлат гербининг акс эттирилиши ҳам унинг давлат органи эканлигидан далолат беради.

Марказий банкнинг мустақиллик даражасини аниқлаш, унинг мезонлари, жиҳатлари масалаларига бағишланган қарашлар иқтисодий адабийтларда етарли даражада ўз аксини топган.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонун. Тошкент 1995 й, 21 декабрь 3-бет

³ Ўша ерда.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонун. 1995 йил 21 декабрь 3-бет.

Марказий банкнинг мустақиллик даражаси кўп жиҳатдан мамлакатдаги ҳаракатда бўлган қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Кўп ҳолларда, Марказий банкнинг мустақиллигини белгилашда субъектив ва объектив омиллар таъсири инобтга олинади. Субъектив омил сифатида Марказий банк раҳбарияти ва ҳукумат ходимлари ўртасидаги ўзаро расмий муносабатлар, марказий банк раҳбариятининг ҳукумат ходимлари орасидаги норасмий обрў-эътибори, уларнинг мамлакат иқтисодий тараққиёти жиҳатларини белгилашдаги фикр ва мулоҳазаларининг ҳукумат доирасида тан олинishi кабилар инобатга олинади.

Марказий банк мустақиллигининг объектив омиллари сифатида асосан қуйидагилар тан олинади:

- Марказий банк капиталида давлатнинг улуши;
- Марказий банк вазифаларининг қонунчиликда ёритилиш даражаси;
- Марказий банк раҳбари (Раиси) ва унинг ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) тартиби ва уларнинг фаолият кўрсатиш муддатларининг қонун ҳужжатларида тўлиқ, аниқ акс эттирилиши ҳамда ушбуларга риоя этиш даражаси;
- Давлат томонидан Марказий банк фаолиятини назорат қилиш шакллари;
- Марказий банк раҳбарияти томонидан қабул қилинган қарорларига давлат органларининг қонун асосида таъсир кўрсатиш кўламлари ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳукуматнинг иштироки;
- Марказий банк молиявий фаолиятида давлатнинг роли, яъни унинг даромадларини ташкил этиш, харажатларини амалга ошириш ва фойдасини тақсимлашда давлатнинг иштироки;
- Мамлакат бюджетини тўғри ва эгри молиялаштиришда Марказий банкнинг иштирокини белгиловчи жиҳатларнинг қонун ҳужжатларида акс эттирилиши.

Марказий банк устав капиталининг ташкил этилиши манбааларидан катъий назар, у албатта қонун билан белгиланган, давлатнинг пул-кредит соҳасидаги сиёсатини ҳаётга тадбиқ этувчи, мамлакатда пул муомаласини бошқарувчи, мамлакат пул бирлигининг барқарорлигини таъминловчи давлат органидир.

Марказий банкнинг устав капитали ҳиссадорлик асосида ташкил этилган тақдирда ҳам, давлат қонунчилик асосида тўғридан-тўғри ёки эгри усуллар орқали Марказий банкнинг давлат органи эканлигини эътироф этади.

Марказий банк вазифалари ва уларнинг қонун ҳужжатларида батафсил ёритилиши масаласи ҳам унинг мустақиллигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Марказий банкнинг вазифалари ва уларнинг моҳияти кейинги бўлимларда батафсилроқ ёритилади. Бу ерда фақат шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, иқтисодий ривожланган мамлакатларда Марказий банкнинг аниқ вазифалари, фаолият доираси ҳамда асосий мақсадлари мамлакатнинг Конституцияси, Марказий банк тўғрисидаги

Қонуни ва бошқа банк фаолиятига тегишли қонун ҳужжатларида ўз аксини топади. Ушбулар Марказий банк фаолиятининг қонуний асослари ҳисобланади ва у бир томондан унинг қонуний ваколатларини белгилаб берса, иккинчи томондан фаолият ваколатларини аниқ белгилаб берилган мақсад ва вазифалар доирасида чегаралаб қўяди.

Марказий банк мустақиллигининг кейинги объектив омили бўлиб Марказий банк раҳбари, унинг ўринбосарларини тайинлаш ёки сайлаш масалалари, уларнинг фаолият кўрсатиш муддатларининг қонун ҳужжатларида аниқ акс эттирилганлиги ҳамда ушбуларга риоя этиш даражаси ҳисобланади.

Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида тўлиқ ва аниқ ўз аксини топган. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Марказий банк раисини Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдиротига кўра Олий Мажлис тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Ушбу қонунга мувофиқ Марказий банк Раисининг ваколат муддати беш йил деб белгиланган. Бундан ташқари қонуннинг 20-моддасида унинг вазифалари ҳам батафсил равишда баён этилган⁵. Марказий банк раисининг эгаллаб турган лавозимидан озод этиш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топган. Улар қуйидагилардаг иборат:

- Ваколат муддати тугаганида ;
- Истеъфога чиқишини сўраб, сабабларини кўрсатган ҳолда ёзган шахсий аризасига кўра;
- Жиноят содир қилишда қонунда белгиланган тартибда айбдор деб топилганда;
- Ўзининг хизмат вазифаларини саломатлигига кўра бажара олмаганда, давлат тиббий комиссиясининг хулосасига кўра;
- Эгаллаб турган лавозимига муносиб бўлмаган ҳатти-ҳаракатлар қилганида, шу жумладан ушбу Қонунни қўпол равишда бўзганида ва Марказий банк манфаатларига катта зарар етказганида⁶.

Марказий банкнинг Олий органи сифатида унинг Бошқаруви эътироф этилган. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради ва банкни бошқаради. Қонунда Бошқарувнинг таркиби, ваколатлари ва мажлислари ҳамда қарор тўғрисида батафсил ёритилган⁷.

Марказий банк мустақиллигини белгиловчи объектив омиллардан яна бири, давлат томонидан Марказий банк фаолиятини назорат қилиш шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақилдир.

Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, башарти, улар

⁵ “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, тошкент 1995 йил, 21 декабрь 9-10 бетлар.

⁶ Ўша ерда 10 бет.

⁷ Ўша ерда 7,8,9 бетлар.

ўз зиммаларига бундай мажбуриятларни олмаган бўлсалар ёки қонунларда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса⁸.

Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига ҳисоб беради. Ҳисобот даври 1 январдан 31 декабргача қилиб белгиланган. Ҳисобот 15 майдан кечиктирилмасдан Олий Мажлисга тақдим этилиши лозим.

Бундан ташқари, Марказий банк давлат ташкилоти бўлиши билан бир қаторда унинг фаолияти йилига бир марта мустақил аудитор ташкилотлар томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарорлар қабул қилишда мустақилдир. Ҳаракатдаги қонунларга мувофиқ Марказий банк томонидан қабул қилинган қарорларга давлат органларининг аралашуви ман этилган.

Марказий банк ўз фаолиятининг бош мақсада бўлиши, мамлакат пул бирлигининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширадиган пул-кредит сиёсатини мустақил равишда юритади. Унинг пул-кредит сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишда ҳукумат фаол иштирок этади.

Марказий банк мустақиллигини белгиловчи объектив омиллардан яна бири Марказий банк молиявий фаолиятида давлатнинг иштироки масаласи ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатнинг мутлоқ мулки бўлиши билан бир қаторда, у ўз сарф-ҳаражатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, мустақил муассасадир.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида Марказий банк фойдасини аниқлаш ва уни тақсимлашнинг асосий тамойиллари ўз аксини топган.

Марказий банкнинг фойдаси ҳар бир молия йили учун:

- Ишончсиз, шубҳали қарзлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш резервлари шакллантирилгандан сўнг;
- Умумий қабул қилинган бухгалтерлик амалиётига мувофиқ амалда барча даромадлар ва чиқимлар ҳисобланганидан, шунингдек активлар ва пасивлар баҳоланганидан сўнг аниқланади.

Марказий банк фойдаси Бошқарув белгилаган тартибда, йиллик ҳисоботни тасдиқлаш билан бир пайтда тасдиқланади.

Бошқарувнинг қарорига мувофиқ аниқ мақсадни турли резервлар ва фондлар шакллантирилиши мумкин.

Аниқ мақсадга йўналтирилган резервлар ва фондлар белгиланган тартибда тўлдирилгандан кейин фойданинг қолган қисми Республика бюджети даромадига йўналтирилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлардан озод қилинган⁹.

⁸ Ўша ерда 4-5 бетлар.

⁹ “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, тошкент 1995 й, 6-7 бетлар.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, қонун билан Марказий банк учун таъқиқланган фаолият турлари ҳам аниқланган. Унга кўра, Марказий банк:

- Молиявий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланишга;
- Тижорат фаолияти билан шуғулланишга;
- Банклар ва бошқа юридик шахсларнинг капиталларида қатнашишга ҳақли эмас.

Марказий банк мустақиллигини ифодаловчи объектив кўрсаткичлардан яна бири мамлакат бюджетини тўғри ва эгри молиялаштиришга Марказий банкнинг иштирокини белгиловчи жиҳатларининг қонун ҳужжатларида акс эттирилиши масаласидир.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг VII бобида Марказий банкнинг ҳукумат билан муносабатлари тўлиқ ўз аксини топган. У ерда Марказий банкнинг ҳукумат билан бўладиган муносабатларидаги вазифалари (44-модда), давлат секторига қарз ажратиш масалаларида маслаҳатлар бериш (45-модда), депозитарий ва кассирнинг вазифалари (46-модда), фискаль агентнинг вазифалари (47-модда), ҳукуматга кредит бериш (48-модда) масалалари ўзининг қонуний асосини топган.

Ушбу қонунга мувофиқ Марказий банк ҳукуматга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган миқдорда кредитлар ажратиш ҳуқуқига эга. Одатда Олий Мажлис томонидан ҳукуматга ажратиладиган Марказий банк кредитларининг миқдори давлат бюджети харажатларининг 3 фоизидан ошмаслиги белгиланади.

Ҳукуматга ажратиладиган кредитлар:

- олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари;
- давлат қарз мажбуриятлари ва ҳукумат кафолатлаган бошқа қарз воситалари гаровига берилади.

Ушбу гаровларнинг қайтарилиш муддати бир йилдан ошмаслиги лозим, чунки ҳукуматга Марказий банк кредитлари одатда 1 йил муддатга ажратилади.

Бундан ташқари, Марказий банк ҳукуматга обуна бўйича бадаллар ёки республиканинг у ёки бу халқаро ташкилотга аъзолигидан келиб чиқувчи бошқа тўловлар учун анча ўзоқ муддатли кредитлар беришга ҳақли.

Қонунга мувофиқ, Марказий банк юқорида акс эттирилган ҳолларда ҳукуматга молиявий ёрдам беришга ҳақли эмас.

Марказий банкнинг ҳукумат билан молиявий муносабатларининг қонун ҳужжатлари орқали чегараланиши, албатта унинг монетар сиёсатининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Марказий банкнинг мустақиллиги даражаси, унинг ҳукумат органларидаги нуфўзи ҳамда илмий асосланган мустақил пул-кредит сиёсати мамлакат пул бирлигининг барқарорлигига хизмат қилади. Марказий банк давлат органи сифатида иқтисодиётнинг ва бутун банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

Биламизки, дастлабки Марказий банкларни ташкил этишдан мақсад, мамлакатда пул эмиссиясини марказлаштиришдан иборат бўлган. Демак, муомаладаги пул массасини тартибга солиш эҳтиёжи вужудга келган ва уни амалга оширадиган давлат муассасаси зарурияти туғилган.

Ҳар қандай ташкилот, корхона ёки муассаса каби марказий банкнинг ҳам аниқ мақсади ва вазифалари қонун ҳужжатларида ўз аксини топади.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мақсад ва вазифалари баён этилган. Унга кўра, Марказий банкнинг бош мақсади-миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.¹⁰

Унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

Биринчидан, монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

Учинчидан, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкларини назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, шу жумладан келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;

Бешинчидан, давлат бюджетининг касса ижросини Молия Вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборат¹¹.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз-ки, Марказий банкнинг барча вазифалари унга юклатилган мақсадга тўлиқ эришиш учун қратилган, яъни улар ушбу мақсадга, мамлакат пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашга эришиш учун хизмат қилади.

Ҳаракатдаги қонун ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий йил бошланишидан 30 кун олдин келгуси йил учун ўзининг пул-кредит ва монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва бу ҳақда Олий Мажлисга ахборот беради.

Бундан ташқари, монетар сиёсат матбуотда эълон қилинади.

Марказий банкнинг пул-кредит ва монетар сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий конъюктуранинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичлари, муомаладаги пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегаралари, валюта ва фойиз сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда ҳукумат томонидан кейинги йил учун белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогноз параметрларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланади¹².

Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари самарали бўлишини таъминлаш учун авваломбор, албатта ўтган йиллардаги мамлакатдаги

¹⁰ “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, тошкент 1995 й, 3 бет.

¹¹ “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, тошкент 1995 й, 3-4 бетлар.

¹² Ўша ерда 11-бет.

иқтисодий конъюнктура ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмоғи зарур. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, яъни ички маҳсулотнинг таркиби, ўсиш ёки камайиш динамикаси, уларнинг сабаблари ўрганилади. Ялпи ички маҳсулотнинг қишлоқ хўжалигидаги, саноат, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, инвестиция ва қурилиш соҳаларидаги ўзгаришлар ва уларнинг сабаблари таҳлил қилинади. Шу билан бирга, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан ҳисобланган инфляция ва нархларнинг ўсиш даражалари, тенденцияси ва сабалари тўлиқ ўрганилади.

Бизга маълумки, ҳозирги замон иқтисодий глобаллашув шароитида алоҳида олинган мамлакат иқтисодиётини ташқи мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларисиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан, монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини аниқлашда мамлакатнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқаларининг кўлами, динамикаси, ташқи савдо айланмалари, тўлов ва ҳисоб-китоб балансларининг ҳолати таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, келгуси йилга самарали пул-кредит сиёсатини амалга оширишни белгилаб олиш учун, ўтган йилдаги Марказий банкнинг монетар сиёсати, унинг қайси инструментлари самаралироқ фойдаланилганлиги, йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўлиқ талқин қилинмоғи ва улардан ижобий фойдаланмоғи тавсия этилади.

Бунда пул-кредит сиёсатининг бевосита инструментлари билан бир қаторда унинг билбосита инструментларидан фойдаланиш имкониятлари, ўтган даврдаги монетизация даражаси тахмини ва энг асосийси пул бозорини ҳолати, яъни фоиз ставкасининг динамикаси ва валюта сиёсати таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, пул-кредит, монетар сиёсатнинг самарали пировард натижасида мамлакат пул бирлигининг барқарорлик даражаси билан белгиланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда самарали монетар сиёсат йўналишларини аниқлашда мамлакат банк тизими барқарорлиги таҳлили ҳам муҳим ўрин тутди.

Юқорида қайд этилган масалалар аниқ ва тўлиқ чуқур таҳлил қилиниб, сабаб ва оқибатлар ҳар томонлама ўрганилгандан кейин Марказий банк ҳукумат томонидан кейинги йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот ҳажми ва унинг реал ўсиши, ЯИМ дефляторининг миқдорий кўрсаткичлари ва инфляция даражаси ҳамда ташқи савдо айланмаси қолдиғининг ижобий бўлиши ва давлат бюджети кўрсаткичлари каби макроиқтисодий параметрларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг пул-кредит, монетар сиёсатини ишлаб чиқади.

Энг муҳим масала шундан иборатки, пул-кредит, монетар сиёсатни белгилашда Марказий банк ҳукумат томонидан прогнозлаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш динамикаси билан муомаладаги пул массаси ўзгариши ўртасидаги мутаносиблик даражасини аниқлаш ва доимий равишда унга эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Чунки халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида маълум даражада ўсишни таъминлаш албатта қўшимча

пул маблағларини талаб қилади. Демак, доимо ялпи ички маҳсулот ўсиши билан пул массаси ўсиши ўртасида қандайдир мутаносиблик бўлишни талаб қилади.

Шундай қилиб, монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари мамлакат иқтисодиётига пул-кредит воситалари орқали таъсир қилиш натижасида мамлакат пул бирлиги барқарорлигини таъминловчи муҳим ҳужжатдир.

2. Марказий банкнинг эмиссия-касса операцияларини ташкил этиш ва унинг ҳисобини олиб бориш тартиби

Мамлакатда нақд пул оборотини ташкил этиш “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги Қонунга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари” (1998 йил 17 декабр № 565) асосида амалга оширилади.

Ушбу йўриқномага асосан қуйидаги қоидалар асосида нақд пул обороти ташкил қилинади. Булар:

1. Барча юридик шахслар мулкчилик шаклидан қатъий назар, ўзларининг пул маблағларини банк муассасаларида сақлашлари шарт.

2. Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар банк муассасалари орқали, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

3. Ташкилотлар томонидан банк муассасаларидан олинган нақд пуллар қандай мақсадлар учун олинган бўлса, фақат шу мақсадлар учун сарфланади.

4. Ташкилот ўз кассасида нақд пулларни улар қолдиғини белгиланган лимити доирасида сақлаши ва улардан тушум ҳисобидан белгиланган меъёрлар чегарасида сарфланиши мумкин.

5. Мулкчилик шаклидан қатъий назар савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотларнинг нақд пул тушумидан иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлаш учун фойдаланиш ман этилади.

6. Нақд пул тушуми ҳисобидан маблағ сарф қилиш ҳуқуқи фақатгина Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган ташкилотларга рухсат этилади.

7. Ташкилотлар кассасидаги нақд пул қолдиғининг белгиланган лимитдан ортиқча қисмини ҳаммасини банкка белгиланган тартибда ва муддатда топширадилар.

8. Ташкилотлар ўз кассаларида лимитдан ортиқча фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофот, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, стипендия, пенсия бериш учун банкдан олинган кунни қўшиб ҳисоблаганда 3-кун ушлаб туришлари (банкдан ўзоқда жойлашган хўжаликлар эса 5-кун) учун рухсат этилади.

9. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар учун нақд пуллар хизмат сафарига юборилаётган шахсларга мазкур ҳудудда амал қилаётган тартиб бўйича тегишли миқдор ҳажмда, кейин ҳисоб бериш шарти билан

берилади. Пулнинг сарфланмаган қисми берилган муддат тугагандан кейин 3-кун ичида ташкилот кассасига қайтарилиши керак.

10. Нақд пул қабул қилиш ва топшириш бўйича касса операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида тасдиқланган бирламчи ҳисоб ҳужжат шакллари билан расмийлаштирилади.

Ҳар бир банк муассасаси мулк шаклидан қатъий назар миқдорларга касса хизмати кўрсатиш учун ўз таркибидаги таркибий бўлинма касса операциялари бўлими (кассаларга эга) бўлиши керак. Банк муассасаси миқдорларга касса хизмати кўрсатиш учун Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармасига пул оборотининг тўлдирилган паспорти ва тегишли ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тақдим этади. Ўз навбатида МБХББ си юқоридаги ҳужжатларни кўриб чиқиб, ўз ҳулосасини тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эмиссия – касса операциялари департаментига юборади. Шу тартибда банкда касса операцияларини юритиш бўйича рухсатнома (лицензия) олинади. Бунда асосий эътибор касса хоналарини жиҳозланишига қаратилади.

ИИБ ва ИНВЁҚББ си қоидаларига ҳам риоя қилиниши керак. Йирик банкларда касса операцияларини амалга ошириш 15 кишидан ортиқ бўлганда бўлимни алоҳида операциялар бажаришдан озод этилган бошлиқ бошқариши мумкин.

Касса операциялари бўлимларининг бошлиқлари эгаллаб турган лавозимларига Марказий банк ва тижорат банкларининг вилоят бошқармаларида тайинланадилар, тасдиқланадилар ва ундан озод этиладилар. Бўлим бошлиғи ёки касса мудир лавозимига банк тизимида камида 3 йил ишлаган шахслар тайинланади.

Банк муассасаларининг раҳбарлари кассалар ва пул омборларида бойликлар билан ишлашнинг белгиланган қоидаларини таъминловчи зарур шарт-шароитларни таъминлашлари лозим. Банклардаги касса тармоқлари “Касса тармоқларини лойиҳалаштириш ва ўрнатишнинг техникавий талаблари”га мувофиқ ҳолда жиҳозланади, уни бошқа хизматлардан ажратиб қўйиш ва қоидага кўра, бинонинг биринчи қаватида жойлаштирилиши лозим.

Бегона шахсларнинг пул омборлари жойлашган жойни кўзатишлари ва ўрганишлари учун ҳеч қандай имконият бўлмаслиги керак. Касса биносининг эшиклари кун бўйи ичкаридан беркитилган бўлиши лозим. Эшикларга ташқарини кўриш учун кичкина махсус ойнача ўрнатилган бўлиши керак. Касса тармоғининг барча деразалари кечки пайт пардалар билан тўсилган бўлиши шарт.

Операция кассаси ҳар бир кассирнинг иш жойи кабина ўрнатиш орқали ажратиб қўйилиши лозим. Бундай ҳолда бойликлар сақланиши устидан масъул бўлган шахсларга кассирлар ишини кўзатиб туришига имкон туғилади.

Кассирлар столида қулфланадиган тортмалар бўлиши керак, унинг код номерини фақат кассирлар билиши керак. Кассирлар кун давомида бойликларни сақлаш учун сейфлар, металл шкафлар, бойликларни ташиш учун аравачалар билан таъминланиши лозим. Миқдорларга хизмат

кўрсатиладиган дарчаларга ичкари томонидан қулфланадиган эшикчалар ўрнатилиши лозим.

Кирим касса операцияларини амалга ошириш банклар томонидан тегишли йўриқномага асосан амалга оширилади. Накд пулни операция куни мобайнида қабул қилиш учун банк муассасаларида кирим кассалари ташкил этилади. Корхона ва ташкилотлардан тушадиган нақд пул тушумини, турли нақд пул кўринишидаги бадаллари, фуқароларнинг нақд пул омонатлари, иш ҳақиға олинган пул маблағларининг тарқатилмай қолган қисми қаби тўловларни нақд пул кўринишида банк касса ходими томонидан қабул қилинишига кассасининг кирим операциялари деб айтилади. Банк томонидан нақд пул қуйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинади:

А) корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолидан 0402001 шаклдаги бадалнома (объявления)лар бўйича квитанциялар бериш билан, фуқаролар омонатга пул қўйганларида омонат дафтарчасига шу тўғрида ёзиб қўилади, дафтарча кўрсатилмаган тақдирда пул қўювчига 0402004 шаклдаги квитанция берилади.

Б) транспорт корхоналари ва ташкилотларидан 0402003 шаклдаги нақд пул бадалномалари бўйича 0402003 шаклдаги квитанция бериш билан.

В) хайрия фондларига ўтказилувчи нақд пулли бадаллар 0402001 шаклдаги бадалномалар бўйича 0402004 шаклдаги квитанциялар бериш шарти билан 0402001 шаклдаги бадалномалар масъул ижрочининг имзосидан ташқари назоратчининг имзоси бўлиши керак. Мазкур операциялар бухгалтерия ходимлари томонидан алоҳида дафтарга қайд этилиш лозим.

Г) бошқа барча тушумлар 0482005 шаклдаги кирим касса ордерлар бўйича 0402004 шаклидаги квитанциялар бериш орқали қабул қилинади

Энди кирим касса операцияларини бажариш тартиби ҳақида батафсил танишиб чиқамиз. Кирим касса операцияларини бажаришдаги асосий ҳужжат бу бадалнома, яъни пул топширганлик ҳақидаги эълондир. Пул топширишдан аввал мижоз томонидан ушбу бадалнома расмийлаштирилади. Бадалноманинг ўзи 3 қисмдан иборат:

1. Бадалноманинг ўзи
2. Ордер
3. Квитанция

Ҳужжатнинг учала қисмида ҳам бир хил кўрсаткичлар тўлдириши шарт. Яъни ҳужжат расмийлаштирилган сана, мижоз корхона номи, унинг ҳисоб китоб, яъни талаб қилиб олинадиган депозитлар ҳисобварағи номери, операция мазмуни, яъни нима мақсадда пул топшириляётганлиги, пул топшираётган шахснинг фамилияси, исми, пул суммаси тўлиқ кўрсатилиши ва имзо қўйилиши керак.

Бадалноманинг номерини эса уни қабул қилаётган масъул банк ходими банкка келиб тушаётган бадалномаларни қайд этиш тартибида белгилайди. Бадалномани қабул қилиш банкда асосан назоратчига юклатилади. Баъзи банкларда, уларнинг ички тартибидан келиб чиққан ҳолда бу вазифа шу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи томонидан ёки бош бухгалтер ёрдамчиси томонидан бажарилади.

Кассада нақд пулни бериш тартиби банклар томонидан тегишли йўриқномага асосан амалга оширилади. Тижорат банкларининг чиқим касса операциялари деб, банк кассаларидан нақд пулнинг берилиши билан боғлиқ операциялар тушунилади. Корхона ва ташкилотларнинг ўз ишчи ходимлари учун иш ҳақи, пенсия, стипендия, бошқа нафақалар, мукофотлар, хизмат сафари харажатлари учун пул олиши мумкин.

Корхона ва ташкилотлар банкдан юқорида санаб ўтилган мақсадларга нақд пул олиш учун пул чеки расмийлаштиришлари лозим. Лекин бундан аввал корхонага янги ҳисобварақ очилаётган пайтда банкка пул чек дафтарчаси олиш учун ариза топширишлари лозим. Аризада банк номи ва коди, корхона номи, унинг талаб қилиб олинган депозит бўйича ҳисобварақ номери, чек дафтарчасининг номи, сони, ариза расмийлаштирилган сана кўрсатилади. Аризага корхона раҳбари ва бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр қўйилади. Банк корхонанинг аризасига асосан пул чек дафтарчаси ёзиб, ҳар бир варақда банк номи, унинг коди, корхона номи, унинг банкдаги ҳисобварақ номерини кўрсатади ва мижозга беради. Чек дафтарчасининг чеклари банкдан нақд пул олиш учун асос бўлади. Иш ҳақи олишдан бир кун аввал чек расмийлаштирилиб мижоз томонидан паспорти билан биргаликда уларга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига берилади. Масъул ижрочи, энг аввало, шу ташкилотнинг ҳисобрақамида етарли пул миқдори борлигини текшириб, шундан сўнггина чекнинг тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлигини, иккита имзо ва муҳрнинг имзолар ҳамда муҳр намунаси туширилган карточкалар билан солиштириб кўради. Ҳаммаси тўғри бўлса, чекнинг бурчагидаги назорат маркасини қирқиб олиб паспорт билан бирга мижозга қайтариб беради. Назоратчи яна бир бор текширув ўтказиб, сўнг реквизитларни кассанинг чиқим журналига қайд қилади. Чиқим журналида сана, ҳисобрақам номери, чек суммаси, ҳисобот симболи, корреспонденция ҳисобварағи номери кўрсатилади.

Назоратчи чиқим журнали билан биргаликда чекларни ички тартибда кассага топширади. Кассир мижозни чақириб унинг паспорти ва назорат маркасини олади. Назорат маркаси номери чек номери билан тўғри келса, чекдаги паспорт кўрсаткичлари билан тўғри келса, кассир чекда кўрсатилган суммани мижозга санаб беради.

Ҳар бир тижорат банкида корхона ва ташкилотларга касса хизматини кўрсатиш учун бир қанча кассалар ташкил этилади, яъни банк муассасаси ўз таркибида таркибий бўлинма — касса операциялари бўлимига эга. Касса операциялари бўлимида бажариладиган кирим ва чиқим касса операциялари, уларни ҳисобга олиниши ва расмийлаштирилиши «Ўзбекистон Республикасида эмиссия - касса иши, пул тушумини инкассация қилиш, юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига ва бошқа йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади. Пул ёки бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун касса операциялари бўлими таркибида кирим кассаси, чиқим кассаси, кирим — чиқим кассаси, майдалаб бериш кассаси, кечки кассалар ташкил этилади. Банкларда кассанинг кирим

ва чиқим операцияларини ташкил қилиш учун бир қанча ҳисобварақлар режаси очилган.

Банклар нақд пул оборотини ташкил этадилар, ташкилотларга тушган пул тушумини топшириш тартиби ва муддатларини, тушумдан пул сарфлаш меъёрларини ҳамда уларнинг кассалардаги қолдиқ пуллар лимитини белгилаб берадилар.

Юқорида қайд этилгани каби ташкилот ўз кассасида нақд пулларни улар қолдиғининг белгиланган лимити доирасида сақлаши ва улардан тушум ҳисобидан белгиланган меъёрлар чегарасида сарфлаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни инобатга олган ҳолда, кассалардаги нақд пул қолдиғи лимитлари ва тушум ҳисобидан фойдаланиш меъёрлари банклар томонидан ушбу ташкилотлар раҳбарияти билан келишувга мувофиқ белгиланади.

Корхона ва ташкилотлар банклардан нақд пул олишлари ва нақд пул топшириш тартибларини юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига асосан олиб борадилар. Шу билан бирга «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомиласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида» ги йўриқнома бўйича амалга оширадилар.

«Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари»га мувофиқ ташкилотлар ўз кассаларида нақд пул қолдиқлари бўйича белгиланган лимитлар доирасида нақд пулга эга бўлишлари ва тушган пуллардан ҳар йили банклар мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида белгилайдиган меъёрлар доирасида фойдаланишлари мумкин. Ташкилотлар кассадаги белгиланган нақд пул қолдиғининг лимитдан ортиқча қисмини банклар билан келишилган тартибда ва муддатларда асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига киритиб қўйиш учун банкларга топширишлари шарт.

Кассадаги нақд пул қолдиғи лимитларини, тушумдан пул сарфлаш меъёрларини, тушумини банкка топшириш тартиби ва муддатларини белгилаш учун банклар йилнинг биринчи чорагида савдо ташкилотларидан ва бошқа ташкилотлардан йўриқномада кўрсатилган шакллар бўйича икки нусхада буюртма ҳисоб-китобини оладилар. Мустақил балансга эгаллиги ва эга эмаслигидан қатъий назар, доимий нақд пул тушумига эга бўлган ҳар бир ташкилот учун кассада қоладиган нақд пуллар лимити тушумдан пул сарфлаш меъёри ҳар йили белгиланади, зарур ҳолларда эса йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Касса оборотлари унча катта бўлмаган савдо ташкилотлари учун кассада қоладиган нақд пуллар лимити ташкилот раҳбарларининг розилиги билан, банк томонидан 2 йилга тасдиқланиши мумкин. Бошқа туманларда жойлашган савдо ташкилотларига касса қолдиғи лимитлари ҳамда тушумдан пул сарфлаш меъёрлари савдо ташкилотининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи қайси банкда бўлса, ўша банк томонидан белгиланади. Ушбу ўрнатилган лимит ва меъёрлар савдо ташкилотлари жойлашган жойдаги банк бўлимларига маълум қилинади.

Банк бўлимлари нақд пул қолдиқларининг белгиланган лимитларини, тушумдан пул сарфлаш меъёрларини ва тушумни

топшириш муддатларини ёзма равишда ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасага маълум қилади. Кассадаги нақд пул қолдиғи лимити кассага эга бўлган ва нақд пули ҳисоб–китобларни амалга оширувчи барча юридик шахсларга ўрнатилади.

Кассадаги нақд пул қолдиғининг қўйидаги меъёрлари ўрнатилади:

Доимий нақд пул тушумига эга бўлган ва уни ҳар куни иш куни охирида банкка топшириши лозим бўлган ташкилот учун кейинги иш куни эртасига нормал иш фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда;

кейинги иш кунида топшириши лозим бўлган корхона ва ташкилотлар учун ўртача кунлик нақд пул тушумидан ортиқ бўлмаган миқдорда,

тушумни ҳар куни топширмаслик ҳуқуқига эга бўлган корхона ва ташкилотларга жами тушум ва уни топшириш бўйича ўрнатилган муддатга боғлиқ бўлган миқдорда.

Доимий нақд пул тушумига эга бўлмаган ташкилотлар учун ўртача кунлик нақд пул харажати миқдорида (меҳнат ҳақи тўловлари, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақа, мукофот ва стипендия харажатларидан ташқари).

Ташкилотлар ўз кассаларида нақд пулни белгиланган лимитлардан ортиқча миқдорда фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта бўйича пенсия, нафақа ва стипендиялар бериш учун банкдан олган кунини қўшиб ҳисоблаган ҳолда 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида (банклардан узоқ масофада жойлашган ташкилотлар эса, 5 иш кунигача) сақлаш ҳуқуқига эга. Бу муддат тугагач, кўзланган мақсадга ишлатилмаган пуллар банкка қайтарилади ва кейинчалик ташкилотларга уларнинг биринчи талаби биланок ўша мақсадларга ишлатиш учун берилади. Тайёрлов ташкилотларининг касса лимитига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топширувчилар билан ҳисоб–китобларни амалга ошириш учун банкдан олинган нақд пул киритилмайди. Шунингдек, ташкилотларга ўз кассаларидан кутилаётган харажатлар учун ўрнатилган лимитдан ортиқ нақд пул сарфлашга рухсат этилмаганлиги ҳисобга олинади.

Тушум ҳисобидан пул сарфлашнинг қўйидаги меъёрлари ўрнатилади;

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча умумий овқатланиш корхоналарига аҳолидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун нақд пул тушумларини ишлатишнинг чекланган меъёри эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ойлик товар айланмасига нисбатан фоизларда, лекин 20 фоиздан ошмаган миқдорда, ўрнатилади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча комисион савдо фаолияти билан шуғулланувчи савдо ташкилотлари тушган савдо тушумининг ўрнатилган касса лимитидан ортиқ қисмини тўлалигича банк кассасига топширишлари, комитентлар билан ҳисоб–китоб қилишни тушумдан харажат қилиш орқали амалга оширишлари белгиланади, бунда етмаган қисмига банк кассасидан нақд пул олинади.

Умумий овқатланиш корхоналарига аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун тушум ҳисобидан пул сарфлаш меъёрлари белгилаб қўйилади, бунда тушумнинг бир қисмидан харажат

қилишнинг энг кўп меъёри банк муассасалари томонидан ойлик товар айланмасига нисбатан фоизлар ҳисобида қуйидагича белгиланади: марказлаштирилган фонддар ҳисобидан гўшт олувчи корхоналар учун - эҳтиёжига қараб, аммо 7 фоиздан ошмаган миқдорда, бошқа умумий овқатланиш корхоналари учун - 10 фоиз миқдорида; мулкчилик шаклидан қатъий назар барча савдо ташкилотларига сотилган коммиссион товар учун нақд пул беришга товар қийматидан савдо устама ҳақи чегириб ташланган миқдорда; ҳудудий савдо - ишлаб чиқариш акциядорлик компаниялари ташкилотлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги савдо, хизмат соҳаси ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш Департаменти ва "Матлуботсавдо"нинг ҳудудий акциядорлик компаниялари топширилган шиша идишлар учун савдо тушумидан ойлик товар оборотига нисбатан 5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Савдо ташкилотлари ва доимий пул тушумига эга бўлган барча корхоналарга бошқа эҳтиёжлар учун тушум ҳисобидан пул сарфлаш меъёрлари белгиланмайди.

Ташкилотларга тушумлар ҳисобидан нақд пул сарфлаш меъёрлари ҳақиқий эҳтиёжлар доирасида, аммо ҳисоб - китоб буюртмасида ўрнатилган чегара меъёрларидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ташкилотлар пул тушумларини қуйидагиларга топширадилар;

- Банкнинг кундузги ва кечки кассаларига;
- Кейинчалик банкка топшириш учун инкассаторларга;
- Кейинчалик банк кассаларига топшириш учун ташкилотлар ҳузуридаги бирлашган кассаларга.

Банк бўлимлари доимий пул тушумига эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар ҳисобини махсус дафтарда олиб борадилар. Унда доимий пул тушумига эга бўлган савдо ва бошқа корхоналар, жумладан мустақил балансга эга бўлмаганлари ҳам қайд этиб борилади. Сотувчилари савдо корхоналари таркибига кириб, улар олдида моддий жавобгар бўлган ҳамда тушумни уларнинг кассаларига топширадиган палаткалар, киоскалар, павильонлар, буфетлар ва ш.к. қайд этилмайди.

Корхоналар ва ташкилотлар пул тушумини ўз вақтида топширишларини банк бўлимларининг иктисодчилари назорат қиладилар. Ана шу назоратни амалга ошириш учун пул муамоласи бўйича иктисодчилар дафтар асосида тушумни банкнинг кундузги, кечки кассаларига ҳамда почта орқали топширадиган корхоналар ва ташкилотлар бўйича рўйхатлар - назорат қайдномалари тузадилар ва уларни мижозларнинг ҳисобварақалари юритиладиган жойдаги банк бухгалтерларига ҳамда кечки кассаларнинг назоратчиларга топширадилар. Бу бухгалтер ва назоратчилар корхоналар ва ташкилотлар бўйича тузилган ана шу назорат қайдномаларига тушум топширилганлиги ҳақида белги қўядилар.

Кейинги йилларда корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан нақд пул тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши солиқ органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Тушумни банк инкассаторлари орқали топширадиган корхоналар ва ташкилотлар доираси бўйича инкассация бўлими (гуруҳи) бошлиғи ҳар куни пул муомаласи бўйича иқтисодчига олдинги кунги тушумни топширмаган корхоналар ва ташкилотлар ҳақида сабаблари кўрсатилган маълумотномани тақдим этади. Марказлаштирилган инкассация шароитларида ушбу маълумотларни инкассация бўлиmlари банкнинг тегишли бўлиmlари иқтисодчиларига тақдим этадилар.

Банк бўлиmlарининг иқтисодчилари ҳар куни инкассация бўлими тузган назорат қайдномаларини ва маълумотларини кўриб боришлари ҳамда олдинги кун топширилмай қолган тушумнинг ҳаммаси кундузги кассага албатта топширилиши, шунингдек бундан кейин топширмаслик ҳоллари юз бермаслиги учун чоралар кўришлари керак. Банк иқтисодчилари ушбу қайдномалар ва маълумотларда кўрилган чора-тадбирларни ёзиб қўядилар.

Банк муассасалари корхоналар ва ташкилотлар тушумларини топширишни кечиктирганликлари ёки топширмаганликлари тўғрисида уларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш учун ҳокимликларга ахборот бериб турадилар.

Пул тушумларини бирлашган кассалар орқали топширадиган корхона ва ташкилотлар бўйича банк бўлимининг иқтисодчилари вақти-вақти билан бирлашган кассага тушумларни ўз вақтида топширилишини назорат қайдномасидаги касса ходимининг белгиси асосида текшириб боради.

Банк бўлиmlари мулкчилик шаклидан қатъий назар, ўзларида ҳисобварақларига эга бўлган айрим савдо ташкилотлари бўйича савдодан тушган пулни инкассация қилишнинг аҳволини ой сайин ва йилнинг ҳар чорагида таҳлил қилиб борадилар.

Айрим савдо ташкилотлари бўйича савдодан тушган пулни инкассация қилишнинг аҳволини таҳлил этиш учун ҳисоб-китоб ўтказилиб, унда ташкилот чакана товар оборотининг ҳақиқий ҳажми ушбу ташкилотнинг ҳисобварағига келиб тушган пул (шу банк бўлиmlари кассалари орқали, шу жумладан ҳисоб-китоб чекларининг тушиши ва товарлар учун омонотчиларнинг ҳисобварақларидан ўтказилган пуллар, бошқа банк бўлиmlари кассаларига, почта орқали ўтказилган пуллар) миқдори билан солиштирилади. Аввало, ҳақиқий тушум суммасига банкнинг ҳисобот маълумотлари бўйича савдонинг тушуми миқдорида тузатиш киритилади. Бу иш олдинги чоракдан (ойдан) ўтган суммани чиқариб ташлаш ва кейинги чоракка (ойга) утган тушумни қушиш йўли билан амалга оширилади. Чорак давомида савдо тушумининг инкассациясини таҳлил қилиш учун савдо ташкилотлари кассасининг обороти ва аҳолига кредитга товарлар сотиш ҳақидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Мазкур ҳисоб-китоб натижасида товар айланмасининг инкассация қилинмайдиган қисми чиқарилади ҳамда унинг миқдори қанчалик асосланганлиги, хусусан, савдо корхоналари тушган пулдан сарфлаш ҳуқуқидан қанчалик тўғри фойдаланаётганликлари, майда улгуржи обороти ва товарларни кредитга сотиш ҳажмларини ўзгартиришнинг сабаблари ва

қонунийлиги кўриб чиқилади; пулларнинг асоссиз муқобил оборотларини тўхтатиш, кассада пул сарфлаш меъёрларига, товар майда улгуржи савдо қоидаларига ва товарларни кредитга сотиш тартибига риоя этиш чоралари кўрилади.

Бутун туман бўйича савдо тушумини инкассация қилишнинг аҳволини таҳлил этиш учун банк бўлимлари товар обороти ҳамда савдо тушумининг барча манбалар орқали келиши ҳақидаги ҳақиқий маълумотларни, тушумнинг инкассация қилиш фоизини хомчут қилинган маълумотлар билан таққослайдилар.

Банк бўлимлари таҳлил натижалари бўйича тегишли савдо корхоналари ва ташкилотлари раҳбарияти олдига талаблар қўядилар, зарур ҳолларда юқори ташкилотларнинг муҳокамасига нақд пулларнинг асоссиз муқобил оборотларига барҳам бериш хусусида, ва ҳал қилиниши натижасида банкка савдо тушуми хомчўт қилинган ҳажмда келиб туришини таъминлайдиган бошқа масалалар юзасидан таклифлар киритадилар.

Савда қоидалари ва пул топшириш тартиблари кўпол равишда бўзилганда, ушбу ҳолат юзасидан солиқ идораларига ва зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилади.

Марказий банкнинг Бош бошқармалари савдо тушуми инкассациясининг ҳисоб-китобларини бутун республика, вилоят, шаҳар бўйича ҳар ойда ва йил чорақлари бўйича амалга оширадилар.

Ҳақиқатда қирим қилинган тушум билан ҳақиқатда вужудга келган чакана товар айланмаси ҳажмига мувофиқ тушиши керак бўлган тушум ўртасида фарк юзага келган тақдирда, бундай фаркнинг вужудга келиш сабаблари аниқланади ва банк кассаларига пул тушумини купайтириш чоралари кўрилади.

Бошқарма бўйича йил чорагидаги савдо тушумининг инкассацияси таҳлил қилинганда қуйидаги маълумотлардан фойдаланилади: савдо ташкилотларининг касса обороти тўғрисидаги ҳисоботи, пули олдиндан тўланган обуна бўйича тарқатиладиган вақтли матбаа нашрларининг қиймати тўғрисидаги ҳисобот, кейинчалик тарқатиладиган вақтли матбаа нашрлари учун тушган обуна ҳақи ҳақидаги маълумотлар.

Барча хўжалик субъектларига нақд пуллар, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар, қонуний тартибда ўрнатилган, шунингдек фақат меҳнат ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, пенсия, нафақа, стипендия, хизмат сафари ҳаражатларини тўлаш учун берилади.

Банклар улардан нақд пул тушуми манбалари ва пул сарфлашнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида маълумотлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Барча ташкилотларга касса хизматини Марказий банкнинг махсус рухсатномасига (лицензиясига) эга бўлган тижорат банклари муассасалари кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мамлакатда пул муомаласини тартибга солувчи ягона банк ҳисобланади. Марказий банкнинг асосий функцияларидан бири бўлиб эмиссия операцияси ҳисобланади. “Эмиссия” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “Микдор” деган маънони

билдиради. Бугунги кунда эмиссия операциялари нафақат муомалага пул чиқариш ва олиш балки сохта пулларни аниқлаш каби ишларни ўз ичига олади.

Барчага маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ягона эмиссия ва захира банки ҳисобланади. Унга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пулни муомалага чиқариш ва муомаладан қайтариб олишнинг ягона ҳуқуқи берилган. У томонидан Ўзбекистон Республикаси банклари уртасида нақд пул бирлигини бошқариш тартиби амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий функцияларидан бири пул эмиссияси вазифасини бажаришдир, яъни муомалага пул чиқариш ва муомаладаги ортиқча пул белгиларини муомаладан олиш Марказий банкка юклатилган. Эмиссия операцияларини бажариш учун пул захира фондлари бўлиши лозим.

Марказий банк эмиссия операцияларини бажариш мақсадида, Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бошқармаларида ҳисоб – китоб – касса марказлари ва уларнинг филиалларини очади. Бунда банкларни нақд пул билан таъминлаш ва улардан лимитдан ортиқча бўлган касса колдикларини қабул қилиш учун Марказий банк рухсати билан пул билетлари метал тангаларнинг захира фондлари ташкил этилади.

Нақд пул билетлари ва тангалар кўринишида бўлади. Марказий банк пул билетлари ва тангаларининг захира фондлари унинг рухсати билан ҳисоб китоб касса маркази ва уларнинг филиалларидаги пул омборларида ташкил этилади. Рухсат олиш учун Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармалари Марказий банкнинг эмиссия касса операциялари департаментига рухсат бериш тўғрисидаги захира фондини очиш зарурлигига асосланган илтимоснома ва пул омборининг тулдирилган паспортини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқармаси захира фондларини очиш тўғрисидаги материалларни куриб чиқади. Бойликлар сақланиши, уларга доир операциялар бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларида курсатилган меъёрларга мувофиқ таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт – шароит мавжудлигини текширади. Шундан сунг захира фондларини ташкил этиш учун рухсатномани беради. Шу билан бирга захира фондларининг лимитлари ҳам белгилаб берилади.

Захира фондларининг белгиланган лимитидан ошиб кетишига рухсат этилади. Захира фондларининг лимит кўринишидаги ҳажми қуйидаги тартибда белгиланади:

Марказий банк захира фондлари лимитини бутун республика бўйича тасдиқлайди ва марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармалари захира фондлари лимитини белгилайди, шу билан бирга Марказий банк тасарруфидаги Ҳудудий бош бошқармалари белгиланган захира фондлари лимити доирасида ҳисоб – китоб касса марказлари ва уларнинг филиаллари учун захира фондлари лимитини белгилаб боради.

Бунда захира фондларининг белгиланган лимити пул билетлари бўйича – банк кассасидан бир ойда олинадиган нақд пулнинг уртача миқдоридан, тангалар бўйича ярим йиллик уртача чикимдан кам булмаслиги керак.

Захира фондларига кушимча олинган пул билетлари ва тангалар захира фондлари ҳисобига илова ҳужжатларида курсатилган миқдорда тулик киритилади.

Ҳисоб-китоб касса марказининг захира фондларининг эскирган пул билетлари қолдиғи белгиланган лимитга киритилмайди. Захира фондлари темир жавонларда ва пулат сейфларда сақланади.

Пул билетлари ва тангаларнинг захира фондлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ихтиёрида бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви раисининг ёки бошқарув раисининг ўринбосарининг муомалага пул чиқариш ёки уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқа минтақавий ҳисоб- китоб касса марказларига жунатиш ҳақидаги ёзма курсатмаси асосида сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқармаларининг раҳбарлари захира фондларини тасарруф этадилар. Минтақавий ҳисоб - китоб касса марказларининг филиаллари раҳбарлари эса уларни лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ асосида захира фондларига доир операцияларни амалга оширадилар. Марказий банк бош муассасасида захира фондларида сақланувчи пул билетлари ва тангалар шу муассаса раҳбарлари, бош бухгалтер ва касса мудирларининг бевосита жавобгарлигида бўлади. Захира фондлари баъзан тулдирилиб турилади.

Марказий банк минтақавий ҳисоб – китоб касса марказларининг пул билетлари ва тангалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фармойишига кура Ўзбекистон Республикаси ичидаги бошқа ҳисоб – китоб касса марказларининг захира фондларини тулдириш учун юборилиши мумкин. Захира фондларига кушимча олинган пул билетлари ва тангалар захира фондларига илова ҳужжатларида курсатилган миқдорда тулик киритилади. Захира фондлари ҳисобига киритилишидан олдин пул билетлари ва тангалар белгиланган тартибда боғламлаб, дасталаб ва устки ёрликлардаги ёзувлар бўйича текширилиб чиқилади. Агар пуллар тартибсиз уралган бўлса, улар қайта саналади. Пул ортиқча чиқиши ҳам мумкин, ортиқча чиккан пул суммаси қанчалигидан қатъий назар, пул олувчи банкнинг оборот кассасига киритилади ва банк даромадига қирим қилинади. Аксинча қамомад чикса, қамомад суммаси оборот кассаси ҳисобидан қопланади ва жунатувчи банкнинг айбдор шахсларидан ундириб олиш учун алоҳида олиши лозим бўлган ҳисобвараққа қирим қилиб қуйилади. Пул белгиларининг ҳақиқий ёки қалбаки эканлиги, туловга яроқли ёки яроқсиз эканлиги ҳам текширилади. Қалбаки пул билетларини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг махсус кўрсатмаларига амал қилинади.

Захира фондларининг лимити қуйидагича белгиланади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки захира фондлари лимитини умуман республика бўйича тасдиқлайди. Шу билан бирга

марказий банк бошқармалари ва марказий банкнинг минтакавий ҳисоб – китоб касса марказлари учун захира фондлари лимитини белгилаб беради.

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқармаси белгиланган захира фондлари лимити доирасида ўзига буйсинувчи ҳисоб – китоб – касса марказлари учун захира фондлари лимитини белгилаб беради. Бунда захира фондларининг белгиланган лимити пул билетлари бўйича банк муассасаси кассасидан бир ойда олинган нақд пулнинг уртача миқдоридан, тангалар бўйича ярим йиллик уртача чиқимдан кам бўлмаслиги керак.

Ҳар бир банкнинг оборот кассасига лимит урнатилади. Оборот кассаларига лимит қуйидаги тартибда белгиланади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бутунлай республика бўйича айланма кассалар лимитини белгилайди;

- Марказий банк вилоят бош бошқармаларининг бошликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий банк бошқармаси, Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошликлари Марказий банк бошқаруви тасдиқлаган айланма кассаси лимити доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисоб–китоб касса марказлари оборот кассалари ва тижорат банклари бошқармаларининг операция кассаларининг лимитларини белгилайди. Яъни, Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармаси Марказий банк тасдиқлаган айланма кассаси лимити доирасида ҳисоб – китоб касса маркази ва улар филиалларининг айланма кассалари лимитларини белгилайди. Айланма касса лимитлари кун охирида белгиланади. Белгиланган лимит суммаси қайд этилади ва унга банк раҳбари, бош бухгалтери, касса мудир имзо чекади.

Барча мулкчилик шаклидаги тижорат банкларининг айланма кассалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатномасига қўра очилади.

Айланма кассаларидан захира фондларига пул қўйиш топшириқлари қуйидаги тартибда белгиланади:

- Марказий банк айланма кассасидан захира фондларига пул қўйиш юзасидан Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармаларига топшириқ белгилайди;

- Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармалари марказий банкдан олинган топшириқ суммаси доирасида банкларга нақд пулларни операция кассасидан ҳисоб – китоб касса марказининг айланма кассасига қўйиш бўйича топшириқ белгилайдилар.

Банк муассасалари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахсларга кассага келатган пуллар ҳисобидан, шунингдек, операция қўни бошида айланма кассаларида мавжуд бўлган пул қўлдиғи ҳисобидан нақд пул берадилар.

Мавжуд бўлган пул маблағлари яқин кўнларда амалга оширилиши лозим бўлган туловлар учун етарли бўлмаса ҳисоб – китоб касса маркази Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармаларидан оборот кассаси учун етмаётган сумма миқдорида пул сурайдилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва

Марказий банк бошқармасининг айланма кассасига маблағ бериш учун ҳисоб – китоб – касса марказларининг буюртманомаларини олгач, айланма кассаларига маблағ беришга рухсат бериш масаласини куриб чиқади ва буюртма бўйича тижорат банкларига берилиши лозим бўлган нақд пул суммасини белгилайди.

Тижорат банклари филиаллари оборот кассаларини нақд пул маблағлари билан таъминлаш тижорат банкининг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар доирасида, зарур ҳолларда Марказий банк Худудий Бош Бошқармасининг Ҳисоб – китоб – касса марказларидаги захира жамғармаларидан фойдаланган ҳолда чекланмаган миқдорда амалга оширилади.

Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси зарур ҳолларда ўзининг оборот кассасини Марказий банкнинг захира жамғармасидан зарур миқдорда нақд пуллар билан таъминлашга рухсат сураб Марказий банка мурожаат қилиши мумкин. Нақд пул билан таъминлаш ҳақидаги телеграммалар Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси раҳбари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Пул муомаласи департаментига юборилади. Оборот кассасини нақд пул билан таъминлаш ҳақидаги телеграммада қуйидагилар курсатилади:

- бешта белгидан иборат назорат рақами, бунда дастлабки Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси оборот кассасига нақд пул бериш ҳақидаги охириги марта олинган рухсатнома рақамининг охириги ўрта рақамга тўғри келади, охириги икки рақами эса телеграмманинг рақамга тўғри келади.

- оборот кассасини таъминлаш ҳақида буюртма (код билан)

- таъминланиши зарур бўлган нақд пул суммаси (код билан)

Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси оборот кассасини таъминлаш ҳисоб – китобини тижорат банкларининг буюртмаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади .

Оборот кассасини Марказий банк захира жамғармасидан нақд пул билан таъминлаш бўйича рухсатнома буйруқ асосида захира жамғармаларини тасарруф этиш ҳуқуқи берилган Марказий банк раисининг уринбосари томонидан имзоланади.

Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси оборот кассасидан тижорат банкларининг оборот кассаларига нақд пулларни етказиш « Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йуриқнома »га мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки таркибий бўлинмалари Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси оборот кассасини нақд пул билан мустаҳкамлаш бўйича буюртмалар, берилган рухсатномалар ва уларнинг ишлатилиши бўйича ҳисобини юритадилар.

Муомалага пул чиқариш учун эмиссия рухсатномасига қуйидагилар томонидан имзо чекилади:

- а) Марказий банкда - Марказий банк раиси;

- б) Марказий банк тасарруфидаги худудий бош бошқармаларида – бош бошқарма бошлиғи.

Эмиссия рухсатномалари – Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқарма бошлигига пулларни захира фондларидан айланма кассасига олинган рухсатномалар бўйича курсатилган суммалар доирасида утказишга рухсат бериш, ҳисоб – китоб касса марказлари директорларига пулларни захира фондларидан айланма кассасига Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармаларининг муҳри босилган ҳар бир рухсатномаларнинг суммаси доирасида утказиш ҳуқуқларини беради. Захира фондларидан оборот кассага пул утказиш учун берилган эмиссия рухсатномаларида пулнинг банкноталар ва тангаларга ажратилган умумий суммаси кўрсатилади. Марказий банк ҳисоб – китоб касса марказининг раҳбари нақд пул оборотига бўлган эҳтиёжга қараб муомалага банкноталар ва тангаларни чиқариш нормасини белгилайди. Захира фондларидан оборот кассасига пул утказиш учун эмиссия рухсатномаларидан Марказий банк бошқармалари рухсатномани олган кундан ташқари 10 иш куни давомида, Марказий банкнинг ҳисоб китоб касса марказлари рухсатнома олинган кундан ташқари 4 иш куни давомида тулик ёки қисман фойдаланишлари мумкин.

Энг аввал, олинган эмиссия рухсатномасининг мазмуни ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш ҳамда код тугри талкин этилишини таъминлаш талаб этилади. Эмиссия рухсатномасидаги сумма назорат қалити билан солиштирилади. Эмиссия рухсатномасининг номери, мансабдор шахсларнинг имзолари борлиги текширилиб курилади. Шундан сунг Ушбу эмиссия рухсатномаси ҳисоб – китоб марказларида юритиладиган махсус дафтарга рўйхатга олинади. Шу дафтарда захира фондларидан олинган пул суммаси қайд этилади.

Тижорат банклари оборот кассасига керакли пул маблағларини олиш учун Марказий банкнинг Вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар бош бошқармасининг пул муомаласи бўлимига олдиндан буюртма берадилар ва эмиссия рухсатномаси асосида нақд пулни марказий банкнинг ҳисоб касса марказининг оборот кассасидан ёки инкассаторлар орқали оладилар. Операция кассасининг қолдиғи лимитдан ошиб кетган тақдирда тижорат банки муассасасининг мансабдор шахслари айнан шу пулни операция кассасининг лимитдан ортиқча қолдиғини Марказий банк ҳисоб – китоб касса марказининг оборот кассасига топширишларини ташкил этишлари ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қошидаги инкассация бирлашмасининг инкассаторлари орқали бошқа тижорат банкни қўшимча маблағ билан таъминлашни ташкил этишлари лозим. Операция кассасининг қолдиғи ҳеч вақт лимитдан ошиб кетмаслиги мақсадга мувофиқдир. Эмиссия рухсатномасисиз муомалага пул чиқариш, муомалага эмиссия рухсатномасида кўзда тутилган суммадан куп миқдорда ва рухсатномадан фойдаланиш муддати тугагандан сунг пул чиқариш, захира фондларига пул утказиш топшириқларининг бажарилмаслиги, айланма кассалари лимитининг ошиб кетиши эмиссия - касса интизомини бўзиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда ҳудудий Бош бошқармалари ҳисоб –

китоб - касса марказларида эмиссия операциялари ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш учун, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига мувофиқ кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари очилган.

Ҳозирги кунда республикада эмиссия касса операцияларини олиб бориш ишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида касса ишини ташкил этиш ва кимматликларни ташишга доир йуриқномага мувофиқ амалга оширилиб келинмоқда.

3. Монетар сиёсатнинг 2011 йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалари

2011 йилга мўлжалланган монетар сиёсат ва банк тизимининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги дастурий маърузаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишларига бағишланган маърузасида белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилишига қаратилади. Хусусан:

инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлишини таъминлаш ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини қўллаб-қувватлаш;

республика иқтисодиётининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш ва ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий қайта ўзгаришлар ҳамда юқори технологик замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш сиёсатини давом эттириш;

қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва техник янгилашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш;

инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал ривожлантириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ушбу соҳага максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳити яратиш;

бандликни таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш муаммосини изчил ҳал этиш борасидаги тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш 2011 йилги пул-кредит сиёсатининг ва банк тизими фаолиятининг энг муҳим устувор йўналишлари қилиб белгилаб олинди.

2011 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоиз, саноатдаги ўсиш 9,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида 5,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга, кичик бизнесни, шунингдек ижтимоий-

иқтисодий инфратузилмани ривожлантиришга барча манбалар ҳисобидан йўналтириладиган жами инвестициялар ҳажми 20 722 млрд. сўмни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 27 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Бунда жами инвестициялар реал ҳажмининг 2010 йилга нисбатан 18 фоиздан зиёдга ўсиши кутилмоқда.

Қулай ташқи иқтисодий конъюнктуранинг сақланиши ва экспорт қилувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг давом эттирилиши натижасида экспорт ҳажмини янада ўсиши ва ташқи савдо айланмаси ижобий сальдосининг 2010 йилга нисбатан юқори бўлиши прогноз қилинмоқда.

2011 йилга мўлжалланган давлат бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиз миқдорида бўлиши ва тўлиқ ноинфляциян манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши режалаштирилган.

Келгуси йилда инфляция даражасини 7-9 фоиз атрофида ушлаб туриш назарда тутилмоқда.

Ушбу макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозидан келиб чиқиб пул-кредит кўрсаткичларининг 2011 йилга мўлжалланган мақсадли параметрлари ишлаб чиқилди.

Хусусан, 2011 йилда иқтисодиётнинг 8,3 фоизлик ўсиши ҳисобига пулга бўлган реал талабнинг ошиши ва инфляция даражасининг 7-9 фоиз атрофида ушлаб турилишини инобатга олган ҳолда ўртача йиллик пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатининг 1-2 фоизга ошиши прогноз қилинмоқда.

Ўтган йиллардаги каби 2011 йилда муомаладаги пул массасининг, асосан, иқтисодиётга ажратиладиган кредит қўйилмалар ҳажмининг ҳамда банк тизими соф ташқи активларининг кўпайиши натижасида ўсиши кутилмоқда. Ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси банк тизими соф ташқи активларининг ўсишида ўз аксини топади.

Ўз навбатида, инфляция даражаси ва пул массасини мақсадли параметр доирасида ушлаб туриш мақсадида 2011 йилда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан кенг фойдаланилади.

Хусусан, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган стерилизация операцияларининг, яъни банк тизимининг ташқи активлари ўсиши ҳисобига вужудга келган ортиқча ликвидликни Марказий банкнинг махсус депозитларига жалб қилиш операцияларининг ўртача ойлик ҳажмини пул агрегатларининг мақсадли кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳамда тўлов балансининг ижобий сальдосини инобатга олган ҳолда 1,3 мартагача ошириш мўлжалланмоқда.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини молиявий маблағлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига хорижий валютадаги маблағларни жамлаш давом эттирилади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2011 йилда ушбу жамғармага қўшимча равишда 1,8 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар жалб этилиши кўзда тутилмоқда, бу эса, ўз навбатида, пул массасини ушбу миқдорда асоссиз ўсишини олдини олишга ва уни мақсадли чегарада ушлаб туришга хизмат қилади. 2011 йилда

ушбу жамғарма томонидан 780 млн. АҚШ долларидан ортиқ ҳажмдаги инвестицион лойиҳаларнинг молиялаштирилиши режалаштирилган.

Инфляциянинг мақсадли параметридан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида 2011 йилнинг 1 январидан қайта молиялаш ставкаси амалдаги 14 фоиздан 12 фоизга туширилди.

Қайта молиялаш ставкасининг 2 фоиз пунктига туширилиши тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг камайишига, уларнинг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Жумладан:

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтирилган дастурларни молиялаштиришга,

- қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига,

- кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларга ажратиладиган кредитлар ва микрокредитлар бўйича фоиз ставкалари пасаяди.

2011 йилда ҳам **валюта алмашув курси** экспортни рағбатлантирувчи ва инфляциянинг олдини олишга қаратилган механизм сифатида қўлланилади. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг 2011 йилга мўлжалланган мақсадли параметрларидан ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда сўмнинг алмашув курси девальвацияси босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда, асосий эътибор сўмнинг реал эффектив алмашув курси динамикасига қаратилади. Сўмнинг девальвация даражаси реал эффектив алмашув курсининг пасайишини таъминлаб, экспортнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Монетар сиёсат инструментлари ва улардан фойдаланиш

2011 йилда ҳам Марказий банк муомаладаги пул массасини тартибга солишда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фойдаланиш билан бир қаторда уларнинг самарадорлигини ошириб боради.

Хусусан, Марказий банк томонидан тижорат банклари ликвидлик даражасининг етарли миқдорда бўлишини таъминлаш мақсадида вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар мониторинги мунтазам равишда амалга ошириб борилади ва уларнинг оптимал даражада бўлиши учун барча зарурий чоралар қўрилади.

Шунингдек, мажбурий резервлар нормаси банк тизимининг ликвидлик даражасидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириб борилади.

Марказий банк очик бозордаги операциялар қўламини кенгайтириб боради. Банк тизимида қўшимча ликвидлик юзага келган ҳолларда, тижорат банкларининг вақтинчалик бўш пул маблағларини Марказий банкнинг махсус депозитларига жалб қилиш билан боғлиқ стерилизация операциялари амалга оширилади.

Банк тизимида вақтинчалик ликвидлик етишмовчилиги ҳолати юзага келганда Марказий банк ликвидлик билан таъминлаш инструментларидан, хусусан:

муомаладаги давлат қимматли қоғозларини, белгиланган муддат ва баҳода қайта сотиш шарти билан, сотиб олиш операциялари - РЕПО операцияларидан,

тижорат банкларидан хорижий валютани (АҚШ доллари, евро, япон иенаси ва фунт стерлинг), белгиланган муддат ва алмашинув курсида қайта сотиш шарти билан, сотиб олиш операциялари - валютавий СВОП операцияларидан ҳамда қайта молиялаш механизмларидан фойдаланади.

Ички валюта бозоридаги барқарорликни таъминлаш мақсадида банклараро валюта бозорида олди-сотди операциялари ҳажми кенгайтирилади.

Хулоса

2010 йилда банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва Қарорларида белгилаб берилган банк тизими барқарорлигини янада кучайтириш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларига қаратилди, хусусан:

тижорат банкларининг капиталлашуви даражасини ошириш;

аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш тадбирларини кенгайтириш;

банкларнинг инвестицион фаоллигини, хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни молиялашдаги ролини ошириш, банкрот ҳолатидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклашдаги иштирокини янада кучайтириш;

аҳоли бандлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш борасидаги вазифалар ижроси таъминланди.

Шунингдек, банк муассасалари тармоғини кенгайтириш, мижозларга банк хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш ва уларнинг замонавий турларини жорий этиш, кредит ахбороти тизимини такомиллаштириш ва нобанк кредит ташкилотларини ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

2010 йилда пул-кредит сиёсати «Монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари» асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган дастурий маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Хусусан, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инфляция даражасини 8 фоиздан ошишига йўл қўймаслик мақсадида муомаладаги пул массасининг белгиланган параметрлар доирасида бўлишига, шунингдек валюта ва молия бозорларининг барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Очиқ бозордаги операциялар муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминловчи инструмент сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равишда қўлланилиб келинди.

Марказий банк томонидан 2010 йилда ташқи савдо балансининг ижобий бўлиши натижасида банк тизими соф ташқи резервларининг кўпайиши ҳисобига юзага келган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операциялари давом эттирилди.

Хусусан, 2010 йилда Марказий банкнинг депозитларига жалб қилиш операцияларининг ҳажми 2009 йилга нисбатан 1,3 мартага ошиб, қарийб 3,0 трлн. сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган давлат ўрта муддатли облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи бозорларда олди-сотди операцияларини амалга ошириш давом эттирилди.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра муомаладаги давлат ўрта муддатли облигациялари ҳажми 53,0 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 42,0 млрд. сўми (ёки 79,9 фоизи) банклар ҳиссасига, қолган 11,0 млрд. сўми (ёки 20,1 фоизи) корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу облигациялар бўйича ўртача йиллик даромадлилик 5,8 фоизни ташкил этди.

Мажбурий резервлар. 2010 йилда тижорат банклари мижозларининг депозитларига ўрнатилган мажбурий резерв талаблари муомаладаги пул массасини ва банк тизими ликвидлигини тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қўлланилди.

Пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш мақсадида мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг муддати 1 йилгача бўлган депозитлари учун - 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлари учун – 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлари учун - 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2010 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 342 млрд. сўмга кўпайди. Натижада, тижорат банклари мажбурий резервларининг резерв пуллардаги улуши 2010 йил бошига нисбатан 2,0 фоизли бандга ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 21,9 фоизга тенг бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳисобварағида кўшимча равишда 2,3 трлн. сўм эквивалентидаги маблағлар жамланиб, ташқи омилларнинг пул массаси ўсишига таъсири камайтирилди.

2010 йилда монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини олдини олиш мақсадида ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 14 фоиз миқдорида ушлаб турилди. Бу эса, ўз навбатида пул бозорида фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

2010 йилда республикадаги макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик депозитлар ва фоиз ставкаларининг динамикасида ўз аксини топди.

2010 йилда жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари йил бошидаги 13,1 фоиздан декабрь ойида 9,9 фоизгача тушди. Юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2010 йилда 6,8 фоиздан 6,1 фоизгача пасайди.

2010 йилда Марказий банк томонидан халқаро валюта бозоридаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Бунда ички валюта бозорига ташқи омилларнинг салбий таъсирини бартараф этиш ва уни самарали тартибга солиш мақсадида Марказий банк томонидан валюта алмашув курсининг ўзгариб боровчи бошқариладиган стратегияси қўлланилди.

Марказий банк миллий валюта алмашув курсини мақсадли коридор доирасида ушлаб туриш учун валюта савдоларида хорижий валюталарни сотувчи ва сотиб олувчи сифатида қатнашиб, интервенция операцияларини амалга ошириб борди. Экспортни рағбатлантириш ҳамда импортни мақбуллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ички валюта бозоридаги операциялар ҳажми 2009 йилга нисбатан 27,2 фоизга ошиб, унинг ҳажми 11,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бир АҚШ долларининг номинал қиймати 1 640,0 сўмни ташкил қилиб, миллий валютанинг номинал девальвацияси 8,5 фоизга тенг бўлди.

Сўмнинг АҚШ долларида бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ доллариға нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ доллариға нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди.

Шунга мувофиқ, 2010 йилда сўмнинг япон иенасига нисбатан алмашув курси 20,3 фоизга ва фунт стерлингга нисбатан 3,8 фоизга пасайган бўлса, евроға нисбатан 2,2 фоизга кўтарилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995 йил 21 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун.-Т.: Ўзбекистон, 2000й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.: Ўзбекистон, 2003.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли "Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.: Ўзбекистон, 2003
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1447-сонли Қарори.
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.- Тошкент.: Ўзбекистон, 2011-Б.58.
9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
- 10.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
- 11.Абдуллаева Ш.З. “Банк иши”. Тошкент 2003 йил.
- 12.Абдуллаева Ш.З. Омонов А. “Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш” IQTISOD-MOLIYA .Тошкент-2006 йил.
- 13.Бобоқулов Т. “Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолари ва ечимлар” Тошкент. “Фан ва технология”.: 2007 й.
- 14.Дўстмуродов Р.Д. ”Аудит асослари” Т. Ўзбекистон миллий энциклапедияси.2003 йил. 612 бет.
- 15.Қоралиев Т.М. ва бошқалар. “Пул кредит орқали мувофиқлаштириш”. Дарслик. Тошкент, 2007 й. 166 б.

- 16.Каримов А.А. , Исломов Ф.Р. , Авлоқулов А.З. ”Халқаро аудит тизими” Ўқув қўлланма.-Т. IQTISOD-MOLIYA , 2007 йил , 156 бет.
- 17.Муллажанов Ф. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
- 18.Норқобилов С. , Абдусаломова О. «Банкларда аудит» Тошкент , « Маънавият» . 2005 йил , 178 бет.
- 19.Норқобилов С. , Дадабоева Х. , Жўраев Ў. “Халқаро амалиётда банк назорати”. IQTISOD-MOLIYA .Тошкент-2007 йил 172 бет.
20. Шидловская М.С. Банковский надзор и аудит. -Минск. Высшэйшая школа, 2003 3 стр
21. Эрматов М.К. «Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари»-Т. «IQTISOD-MOLIYA»нашриёти , 2005, 144 б.
- 22.Абдуллаева Ш.З. CAMEL-банк фаолиятини баҳолаш хизматида.// Бозор, пул ва кредит журнали, 1998 йил 4-сон 49-бет.
- 23.«Банк тизими : мижоз банк учун эмас , банк мижоз учун» Марказий банк Ахборот хизмати .”Банк ахборотномаси” газетаси № 9. 2007 йил 21 февраль сони.
- 24.Бобоқулов Т., Юсупов А. Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш.// Бозор, пул ва кредит. №10, 2004. 6-7 б.
- 25.Жўраев У. Халқаро банк назоратини такомиллаштиришда Базель қўмитасининг роли.// Бозор, пул ва кредит. №10, 2003. 3-5 б.
- 26.Комиссаров Г.П. Тижорат банклари фаолиятини бошқариш.//Вестник банковского дела №1 2004 январ 59 стр.
- 27.Интернет сайтлари
[http:// www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
[http:// www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)
[http:// www.pbc.gov.cn](http://www.pbc.gov.cn)
[http:// www.imf.org](http://www.imf.org)
[http:// www.ecb.int/](http://www.ecb.int/)